

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

86 **Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида**

1. Қуйидаги 2010 йил 27 сентябрь куни Тошкент шаҳрида имзоланган: Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Озарбайжон Республикаси Хукумати ўртасида 2011 — 2015 йилларда иқтисодий ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Озарбайжон Республикаси Хукумати ўртасида 1997 йил 18 июндаги Ўзбекистон Республикаси ҳамда Озарбайжон Республикаси фуқароларининг визасиз сафарлари тўғрисидаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Протокол тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартномалар кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидалари бажарилгани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 22 февраль,
ПҚ-1485-сон